

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кўлёзма ҳуқуқида
УДК.371.3:681.14:373.63**

ТЎРАҚУЛОВА Ирода Холбўтаевна

**ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-ИММУНОЛОГИК ТАРБИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
(Педагогика туркумидаги фанларни ўқитиш мисолида)**

13.00.01 – педагогика назарияси ва тарихи

**Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

**Иш Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида
бажарилган.**

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор
Ҳасанбоев Жалолиддин Йўлдашевич

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори
Рўзиева Дилноза Исомжоновна

педагогика фанлари доктори, профессор
Маҳкамов Улфат Илхомович

Етакчи ташкилот: **Алишер Навоий номидаги
Самарқанд Давлат университети**

Ҳимоя 2011 йил “___” _____ куни соат ____ да Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги К.067.44.03 рақамли
Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100138, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, Г-9 а мавзеси,
21-А уй. Тел.: (+99871) 275-77-95 E-mail: http://uzswlu.uz/uz_ik2.html

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Ахбўрот-ресурс марказида танишиш мумкин (100138, Тошкент, Кичик халқа
йўли кўч., Г-9 а мавзеси, 21-А уй).

Автореферат 2011 йил «___» _____ да тарқатилди.

Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби, педагогика
фанлари номзоди, доцент

К.Н. Набиева

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида ёш авлодни маънавий етук, интеллектуал салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялаш ҳақидаги муаммо ва унинг ечимини ҳал этиш Давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йил 29 февралдаги “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарориди “Ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гиёҳвандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш”¹ деб таъкидланиши ҳам мазкур муаммонинг ўта долзарблигини кўрсатади.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам “Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, “Оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”² га алоҳида эътибор берилган. Бундан келиб чиқадиган асосий вазифа турли хавф-хатарлар, таҳдидлар, маънавиятни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай салбий таъсирларга қарши кураша оладиган миллий мафкуравий иммунитетни кучли шахсларни шакллантиришга эришишдан иборатдир.

Демак, талабаларни бу каби салбий оқибатлар домига тушиб қолмаслиги учун қилинадиган ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ва мақсад-вазифаларини янгидан белгилаб олиш зарурлигини давр тақозо этмоқда. Чунки ҳаётимизнинг турли жабҳаларига техника-технологияларнинг кириб келиши, айниқса ахборот алмашинувининг чегара билмаслиги ва вақт танламаслиги, “ИНТЕРНЕТ” нинг глобал тармоғидан турли хил керакли ва кераксиз ахборотларни тарқатишга бўлган уринишлар ушбу соҳадаги ишларни модернизация этишни тақозо қилмоқда.

Бу ҳақда “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш, замонавий ахборот технологиялари, компьютерлаштириш ва компьютерлар тармоқлари негизиди таълим жараёнини ахборот билан таъминлашни ривожлантириш алоҳида таъкидланган.

Ушбу соҳада, яъни талабалар маънавий-иммунологик тарбиясининг инновацион технологияларини яратиш, улар онгига салбий таъсир кўрсатаётган ёт ғояларни фалсафий, ижтимоий, педагогик-психологик, илмий-назарий, илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш, мафкуравий иммунитетни ахборот технологиялари ёрдамида шакллантириш махсус илмий тадқиқот иши сифатида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури. Тошкент: 2008-Б.1.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Тошкент “Ўзбекистон” 2010.

етарлича тадқиқ қилинмаган. Бу талабалар маънавий-иммунологик тарбиясини ахборот технологиялар ёрдамида такомиллаштириш муаммосини ҳал этишнинг ўта долзарблигини тасдиқлайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Талабаларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, уларнинг ғоявий–сиёсий, маънавий–маърифий тарбиясини инновацион технологиялар асосида ташкил этиш ўта муҳимдир. Ушбу жараёни қадимий нодир қўлэмалар ва ёдгорликлар, ота–боболаримиз яратган бой тарихий–маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий маданият ва миллий мафқуравий иммунитет категориялари каби маънавий меросдан фойдаланиш ўз самараларини беради. Бунда зардуштийлар таълимоти бўлимиш “Авесто”да, улуғ донишманд–мутафаккирларимиз Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Мирзо Улуғбек, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Накишбандий, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Ахрори Валӣй, Имом ал-Бухорий, Аз–Замахшарий ва бошқа шу каби мутафаккирлар асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларда мазкур муаммо ечимини ҳал этишга онд бой илмий мерос мавжуд.

Бу борада педагогика ва психология соҳасидаги олимларимиздан М. Бекмуродов, Х. Ибрагимов, М. Иномова, В. Каримова, Ш. Қ. Мардонов, У. Маҳкамов, О. Мусурмонова, С. Нишонава, Н. Ортиқов, Р. Рўзиева, Ў. Қ. Толипов, М. Қуроноф, Ж. Ҳасанбоевлар ёшлар тарбияси, унинг жамиятга таъсири, ёшларни салбий оқибатлардан сақлаш борасидаги маънавий–ахлоқий тарбияни шакллантириш муаммоси билан шуғулланганлар. Хусусан, талабалар маънавий–иммунологик тарбияси билан шуғулланган олимларимиздан М.Л.Абдуҷабборова, М.Аҳмедова, Ж.Бекназаров, С.Зияева, Н.Орипова, И.Пирниёзов, Ш.Райимов, О.Тошбоев, С.Усмонов, М.Х.Усмонбоева, С.Ғозиев, Л.М.Ғозиева, К.Ҳайдаров, ва бошқаларнинг ишлари бўлажак мутахассисларни маънавий етук қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, таълим–тарбия соҳасида ахборот–коммуникацион технологиялардан фойдаланиш борасида ҳам олимларимиз томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган. Ушбу соҳада А.А.Абдуқодиров, Н.Х.Кушвақтов, М.Лутфуллаев, Н.Тойлоқов, Х.А.Тўрақулов кабилар таълим–тарбия жараёнининг муайян жиҳатларини ахборотлаштириш борасида эътиборга молик ишларни олиб борганлар.

Бироқ талабаларнинг маънавий–иммунологик тарбиясини такомиллаштириш технологиясини айнан ахборот–коммуникацион технологияларидан фойдаланган ҳолда тўлиқ ўрганилмаган ва илмий тадқиқот мавзуси сифатида ҳам ёритилмаган. Шу сабабли мазкур тадқиқотимиз мавзусини “Талабаларнинг маънавий–иммунологик тарбиясини такомиллаштириш технологиялари” (педагогика туркумидаги фанларни ўқитиш мисолида) деб атадик.

Диссертация ишининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосий йўналишларида белгилаб берилган

“Таълим тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш” бандлари мазмуни ва Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган (2007-2011 й.й.) “Талабаларга маънавий-ахлокий тарбия беришнинг ахборот-коммуникацион технологиялари” (ИТД-1-32) мавзусидаги инновацион лойиҳаларга оид илмий ишлар дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг объекти: Олий олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда ўрганиладиган педагогика туркумидаги фанларни ўқитишдаги таълим–тарбия жараёни.

Тадқиқот мақсади: Олий олий таълим муассасаларида талабалар маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришнинг ахборотли технологиясини яратиш мазмуни, шакли ва методларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- Ёшлар онги ва қалбини ёт ҳамда зарарли таъсирларидан асрашнинг ҳозирги аҳоли, таҳлил натижалари асосида талабаларни салбий таъсирлардан асрашнинг мазмун–моҳиятини илмий-методик жиҳатдан асослаш;
- талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришга оид маълумотларни тизимлаштириш ва унга мос ахборотли таъминотни ишлаб чиқиш;
- талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришни такомиллаштириш технологиялари бўйича олиб борилган тажриба–синов ишлари натижалари самарадорлигини аниқлаш ва уларни математик статистика методи ёрдамида асослаш;
- талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш тизимининг ахборотли технологиясидан амалиётда фойдаланишига доир илмий–услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети: талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришни технологиялаштиришнинг педагогик шарт–шароитлари, усул, восита ва ахборотли технологиялари.

Тадқиқотнинг илмий фарази: Агар:

- талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбияси тўғрисидаги маълумотлар мантикий жиҳатдан қатъий кетма–кетлик асосида тизимлаштирилса ва уларнинг ҳар бир йўналиш бўйича маълумотлари изчил ахборотлаш–тиришга тайёр ҳолга келтирилса;
- талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбияси мазмун–моҳияти, илдизлари, мақсад–муддаосини ҳамда уларнинг инсонга, оилага, давлатга, жамиятга зарарларини талабалар онгига содда ва тушунарли қилиб етказиш механизмлари ишлаб чиқилса;
- талабаларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш учун ахборотли таъминоти самарали технологиялаштиришга эришилса;
- талабаларнинг мафкуравий иммунитетини такомиллаштиришнинг замонавий ахборот технологиясини ишлаб чиқиш, ундан амалиётда фойдаланишнинг оптимал вариантлари яратилса;
- талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини ахборот технологиялари ёрдамида олиб боришга илмий–услубий жиҳатдан асос-

ланган тавсиялар ишлаб чиқилса, уларнинг самарадорлигига эришиш мумкин.

Тадқиқот методлари: тарихий, фалсафий, педагогик, психологик, социологик, маънавий – маърифий адабиётларни илмий–назарий жиҳатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш; олий таълим муассасалари меъёрий ҳужжатлари, ДТС, дастур ва ўқув адабиётларини ўрганиш; педагогик таҳлил; сўров-номалар, суҳбат, интервью, тестлар ўтказиш; кўргазмалар ташкил қилиш, тажриба–синов ишлари; натижаларнинг математик статистик методлар асосидаги таҳлили.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси; Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини оширишга оид ҳукумат ҳужжатлари; Республикамиз Президентининг нутқлари, асарларида баён қилинган ўқитувчиларни тайёрлаш, олий таълимни такомиллаштириш ҳақидаги фикрлари; “Таълим тўғрисида” ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”; диалектик билиш назарияси ва унинг муҳим тамойиллари; “Олий таълим концепцияси”; “Педагогик таълим концепцияси”; Ўзбекистонда белгиланган номдор йиллар бўйича Давлат дастурлари; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликларининг буйруқлари, мавзуга оид педагогик–психологик манбалар.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- талабалар маънавий-иммунологик тарбияси таҳлили асосидаги хулосалар;
- талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини тизимлаштириш методикаси ва улар асосида шакллантирилган маълумотлар базаси;
- талабалардаги маънавий иммунитетни мустаҳкамлашга “Тизимий ёндашув” тадқиқот усули ва “Имоготерапия усули”;
- талабалар мафқуравий иммунитетини такомиллаштиришнинг ахборот-коммуникацион технологияси;
- миллий менталитетга содиқ, мафқуравий иммунитетни кучли, интеллектуал салоҳиятли, маънавий–қасбий етук мутахассисларни тайёрлашга услубий тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- талаба ёшларнинг мафқуравий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришда мафқуравий иммунитетини шакллантиришнинг фундаментал асослари очиб берилди;
- талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда ахборот технологиялари ишлаб чиқилди;
- талабалар маънавий-иммунологик тарбиясига тегишли мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш механизми ишлаб чиқилди ва уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш технологияси яратилди;
- талабалар маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришнинг ахборотли технологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди;

• талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш тизимининг ахборот технологиясидан амалий фаолиятда фойдаланишига илмий–услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида уларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини олиб боришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари аниқланди ҳамда уларнинг илмий–назарий асослари яратилди. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришни ахборотлаштириш асослари ва уларни жорий этишнинг алгоритмик босқичлари ишлаб чиқилди. Талабалар маънавий-иммунологик тарбияси ва уларнинг ахборот-коммуникацион технологияси ишлаб чиқилди. Улар бўлажак мутахассисларни миллий менталитетга содиқ, мафкуравий иммунитетини кучли, интеллектуал салоҳияти кенг камровли ва касбий–маънавий етук қилиб тарбиялашга мустаҳкам дидактик асос бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Бўлажак мутахассисларни замон талаби асосида ва рақобатбардош этиб тайёрлашда таъсирчан методлар, универсал дидактик воситалар, илгор технологиялар, ишончли ва мукамал ахборот-коммуникацион технологияни яратишга ва улардан амалий фаолиятда кенг фойдаланишга имкониятлар яратилди. Улар: бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнига интегратив ёндашув технологияси яратилди; тадқиқотда илгари сурилган назарий гоялар ва қўлга киритилган муҳим амалий натижалар педагогика туркумидаги фанлар мазмунини бойитишга хизмат қилди ва улардан “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Валеология”, “Маънавият асослари”, “Диншунослик ” каби фанларни ўқитиш орқали талабаларга маънавий–ахлокий тарбияни юксалтиришда фойдаланиш мумкин.

Тажриба–синов майдони Жиззах ва Қўқон давлат педагогика институтлари, Гулистон давлат университетида ташкил этилди. Тадқиқотнинг назарий ғоялари ва илмий хулосаларидан қайд этилган ўқув муассасаларида таълим-тарбия жараёнида фойдаланиб келинмоқда.

Тадқиқот натижаларини ишончлилиги ва асосланганлиги. Олинган натижаларнинг самарадорлиги талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришдаги педагогика туркумига кирувчи фанларни ўқитиш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишларида ўзининг назарий ва амалий тасдиғини топганлиги; тадқиқот мақсади, вазифаларига мос методларнинг қўлланилганлиги; назарий таҳлил ва амалий тажриба натижаларига таянган ҳолда илмий–методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-иммунологик тарбияси бўйича билим, кўникма ва малакаларга эга бўлганликлари, шунингдек, талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясига оид билимларнинг ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўрганилганлиги билан тавсифланади.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот натижалари А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти профессор–ўқитувчиларининг аъзолиги илмий–назарий конференцияларида (Жиззах, 2005–2011 й.й.); “Талабалар

соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-назарий анжуманида (Жиззах, 2005й.); “Бошлагич таълимда инновацион технологиялар: муаммолар, ечимлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманида (Жиззах, 2006й.); “Ёшлар онгига миллий истиклол ғоясини сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг вазифалари” мавзусида Республика илмий-амалий анжуманида (Жиззах, 2006й.); “Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития” мавзусидаги бешинчи халқаро конференцияда (Санкт-Петербург–Тошкент, 2007 й.); “Проблемы образования и занятости молодёжи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясида (Самарқанд, 2007 й.); “Замонавий педагогика фани ва таълимнинг инновацион технологиялари” мавзусидаги Республика илмий – амалий конференциясида (Тошкент, 2008 й.); “Фаол ёшлар–миллат фахри” мавзусидаги Республика илмий–назарий конференциясида (Гулистон, 2008 й.); “Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий – амалий муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида (Самарқанд, 2008 й.); “Инновационная деятельность молодых ученых” мавзусидаги Республика илмий-амалий семинарида (Навоий, 2008 й.); “Проблемы прикладных исследований в социологии, психологии, маркетинге: реалии и возможности” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (Самарқанд, 2008 й.); “Проблемы образования и занятости населения” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (Самарқанд, 2008 й.); “Университет таълими: кеча, бугун, эртага”: Ёш олимлар илмий-амалий конференциясида (Тошкент 2008 й.); “ОТМ таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илгор тажрибаларни жорий этишнинг илмий– педагогик асослари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференциясида (Тошкент, 2008 й.); “Экономика. Образование. Занятность: сегодня и завтра» мавзусидаги Халқаро илмий – амалий конференциясида (Самарқанд, 2009 й.); “Наука и практика: проблемы, идеи, инновации” мавзусидаги IV халқаро илмий-методик конференциясида (Чистополь, 2009 й.); “Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманида (Жиззах, 2009й.); “Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар: муаммолар ва ечимлар” Республика илмий-амалий конференциясида (Гулистон, 2010й.); “Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар” Республика илмий–назарий конференциясида (Тошкент, 2011й.) маърузалар ўқиш ва улар материаллари тўпламларида, шунингдек, илмий-методик журналлар ва илмий ишлар тўпламларида чоп этирилиши асосида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, химояга тавсия қилинган (12.10.2011 й. №11 баённома).

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Муаллиф томонидан тадқиқот мавзуси бўйича 2 та ўқув–методик қўлланма, 11та илмий–методик журналлар, 5та халқаро ҳамда 9та Республика миқёсидаги илмий анжуманлар материаллари тўпламларида, 2та илмий-ишлар тўпламларида мақолалар chop этилган бўлиб, эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 29тани ташкил этади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этади.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, методологик асослари, объекти ва предмети, илмий фарази ва методлари, химояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, синовдан ўтиши, эълон қилинганлиги каби илмий тадқиқотнинг анъанавий жиҳозланиши ўз аксини топган.


Ишнинг биринчи боби **“Талабалар маънавий-иммунологик тарбияси тизимини шакллантириш”** деб номланиб, унда маънавий-иммунологик тарбиянинг юзага келишидаги ижтимоий эҳтиёжлар назарий жиҳатдан асосланган ва муаммога оид ишлар илмий-услубий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш тизими шакллантирилган.

Айни пайтда дунёда глобаллашув замони шиддат билан ривожланмоқда ва табиийки унга мос маънавий-маърифий тараққиёт ҳам ўзининг янги сифат босқичига ўтмоқда ва бу борада давлатимиз раҳбарияти баркамол авлодни юксак маънавий-интеллектуал салоҳиятли қилиб тарбиялашга кучли эътибор бермоқда.

Маълумки, сиёсий барқарорлик бўлмаса мамлакат ўз олдига қўйган тарихий ва истиқболли вазифаларни амалга ошира олмайди. Бу борада мавжуд салбий таъсирларга боғлиқ ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг у ёки бу даражада миллий хавфсизлигимизга таҳдид солиш хавфи ҳар доим ҳам мавжуд. Уларни қуйидаги кўринишда тасвирладик (1 - расм).

Қайд этиладиган салбий таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши кураша оладиган ёшларни тарбиялаш муаммоси ҳозирда ижтимоий муаммо ҳисобланади. Шу сабабли миллий маънавиятга хавф тугдирувчи омиллар мавжудлигини доимо ҳис қилган ҳолда ёш авлод тарбиясига таъсир этадиган турли таҳдидлар олдини олишга оид омилларга эътибор қаратиш зарур.

Қайд этиладиган салбий таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши кураша оладиган ёшларни тарбиялаш муаммоси ҳозирда ижтимоий муаммо ҳисобланади. Шу сабабли миллий маънавиятга хавф тугдирувчи омиллар мавжудлигини доимо ҳис қилган ҳолда ёш авлод тарбиясига таъсир этадиган турли таҳдидлар олдини олишга оид омилларга эътибор қаратиш зарур.



1 - расм. Ватанизмдаги миллий хавфсизлигимизга солинаётган таҳдидлар ва улар асосида келиб чиқадиغان зиддиятлар

Бунинг учун талабаларни ташқи салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида батафсил маълумотлар билан таъминлаш лозим. Аммо юқорида қайд этилган ёт ва зарарли ғоялар ҳамда уларга тегишли маълумотлар кўлами шу даражада кўпки, уни биргина ўқитувчининг эсда сақлаб қолиши ва улардан талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда фойдаланиши катта қийинчиликларни туғдиради. Бундай ҳолларда ахборот-коммуникацион технологиядан фойдаланиш ишларимизнинг оптимал вариантини яратишга имконият беради. Ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича талабалар қалби ва онгига салбий таъсир килувчи ёт ва зарарли ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни қуйидагича тизимлаштириш мақсадга мувофиқ:

- терроризм (террорчилик гуруҳлари, наркоагрессия, кибертеррор ва ҳ.к.);
- экстремизм (диний экстремизм, диний экстремистик оқимлар ва ҳ.к.);
- гиёхвандлик (ичкиликбозлик, наркобизнес, наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва шу кабилар);
- ОИТС (ичкиликбозлик, тартибсиз жинсий алоқа, томир орқали гиёхванд моддаларни олиш ва бошқалар);
- “Оммавий маданият” (“маънавий беморлар”, хомофилия, эгоцентризм ва “эркчилик”, парнографик суръатларга ишқивозлик, “Зангори экран”да фахшни тарғибот килувчи кўрсатувлар, “Ғоявий марказлар” ва шу кабилар).

Бу тизимлаштириш орқали тайёрланган маълумотлар базасидан талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясида фойдаланилади ва булар талабалар мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг ахборотли таъминотини тайёрлашда зарур бўлади.

Ишнинг “Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришни технологиялаштириш”, деб номланган иккинчи бобида талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг методологик асослари, тизими, ахборот-коммуникацион технологияси ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда миллий-маънавий тарбия энг уствор йўналишлардан бири ҳисобланмоқда. Шунинг учун ҳам талабаларни салбий оқибатлар таъсиридан асрашнинг методологик асосларини яратиш орқали ёшлардаги соғлом иммунитетни тўлиқ шакллантиришга ва бу орқали ёшларда миллий менталитетнинг янада мустаҳкамланишига эришилади.

Ушбу соҳадаги олиб борган ишлармиз натижаларининг кўрсатишича талабалар маънавий-иммунологик тарбиясининг методологик асосларини қуйидагича ифодаланди (2 – расм).


Талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясига оид тизимлаштирилган маълумотлар ва маънавий-иммунологик тарбиянинг методологик асосларини амалий фаолиятга жорий этишга оид дидактик материаллардан муаммо ечимини ҳал қилишда тадқиқотчиға катта ҳажмдаги маълумотларни тўплаш, эсда сақлаш, таҳлил қилиш ва уларни керакли манбаларга узатиш каби вазифаларни юклайди. Мазкур муаммолар ечимини излашда ахборот-коммуникацион технологиядан фойдаланиш педагогик самараларни қўлга киритишга бўлган имкониятларни кафолатлайди. Шунинг билан бирга ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида ўрганувчи, ўргатувчи ва ахборот технологиялари воситалари ўртасидаги ўқув-ахборотли интеграция пайдо бўлишига ва ундан амалий фаолиятда самарали фойдаланишга имкон берувчи ҳамда ўрганилаётган фан бўйича ўрганувчининг фаол билиш фаолиятини шакллантиришнинг оптимал вариантини ишлаб чиқишга эришиш мумкин.

Бунинг учун махсус алгоритмлар блокинни ташкил этиш зарур бўлади. Биз қаралаётган ахборот-коммуникацион технология учун ахборотли таъминотни тайёрлаб олдик. Бу талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг компьютерли тизими-ни яратишда мустаҳкам ахборотли-ўқув таъминот бўла олади. Бунда ўқитувчи биринчидан, ўзининг фани бўйича кенг камровли билимга эга бўли-ши керак, иккинчидан, талабалар маънавий-иммунологик тарбиясига тегиш-ли маълумотлар базаларига дарсликдан ташқари маълумотларни ҳам кирита олиш қобилиятига эга бўлиши лозим, учинчидан, компьютер билан эркин мулоқотни уддалаши керак, тўртинчидан, тўпланган маълумотларни қайта ишлаб ўрганиладиган мавзуга мосларини танлаб олишдек интел-лектуал салоҳиятга эга бўлмоғи лозим.

Тадқиқотимиз натижалари талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг ахборот-коммуникацион технологиясини шакллантириш мақсада-га мувофиқ эканлигини кўрсатди ва биз уни “ИММУНИТЕТ” номи қўмакчи компьютерли тизим деб атадик.

“ИММУНИТЕТ” номи қўмакчи компьютерли тизимдан фойдаланган ҳолдаги таълим технологияси билан анъанавий таълим муҳити кескин фарқ

килади. Чунки, анъанавий ўқитиш муҳитидан талаба керакли ўқув материаллари ҳақидаги маълумотларни ўқув маълумотлар базаси (дарсликлар,



2 – расм. Талабалар маънавий-иммунологик тарбияси методологик асосларининг умумий кўриниши.

ўқув ва услубий қўлланмалар ва бошқа манбалар)дан ўқитувчи кўмагида олади. Таклиф этилаётган инновацион таълим технологиясида эса талаба ўзига керакли маълумотларни бевосита (ўқитувчи кўмагида ҳам) ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида олиш имкониятига эга. Талабаларнинг фан бўйича қўшимча маълумотларга бўлган эҳтиёжини мазкур тизимнинг ахборот хизмат модули ёрдамида қониктирилади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш технологиясини амалиётга жорий этиш ва тажриба-синов ишлари таҳлили”** деб номланган бўлиб, унда “Иммунитет” номли кўмакчи компьютерли тизимдан амалиётда фойдаланиш ва унга оид тажриба-синов ишлари таҳлили ёритилган.

Изданишларимиз натижаларининг кўрсатишича таълим-тарбияни технологиялаштириш ва унда мультимедия воситаларидан кенг фойдаланиш бўлажак ўқитувчиларни касбий-маънавий етук қилиб тарбиялашда юқори самарадорликни қўлга киритиш имконини берди. Бу борада тайёрланган **“ИММУНИТЕТ”** номли кўмакчи компьютерли тизим муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим таркибига кирувчи билимлар банки ва маълумотлар базаларини доимо бойитиб ёки ихчамлаштириб туриш мумкин. Бу талабани ижодий изланишга ундайди ва унинг амалийлиги ҳамда кўргазмалилиги бойиб боради. Шунингдек, ушбу жараёнда талаба ўз билимининг мониторингини ҳам кузатиб бориш мумкин бўлади. Шу сабабли **“ИММУНИТЕТ”** номли кўмакчи компьютерли тизим ёрдамида мавзу бўйича ёки бутун бир курсни (фани, бобни, бўлимни) ўқитиш бўйича ўзлаштириш кўрсаткичларини компьютер хотирасида сақлаш имконияти бор ҳамда ушбу тизимни амалиётда қўллаш орқали олдинги ва кейинги натижаларни солиштириб боришга ҳам эришиш мумкин.

Шу асосда мазкур диссертация учун тажриба-синов ишлари олиб борилди. Тажриба-синов ишларида қайд этилган учала олий ўқув юртидан 566 нафар талаба ва 21 нафар ўқитувчилар қатнашди. Таклиф этилган таълим технологиялари бўйича машгулотлар диссертант ва олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш олиб борилди. Тажриба-синов ишларида иштирок этган олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари ҳақидаги маълумотлар куйидаги жадвалда келтирилган.

1–жадвал

Тажриба-синов ишларида иштирок этган олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабалари

Олий ўқув юрти номи	2007-2008		2008-2009		2009-2011		ЖАМИ	
	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони	Талабалар сони	Ўқитувчилар сони
ЖДПИ	70	3	75	3	75	3	220	9
Қўқон ДПИ	60	2	65	2	65	2	190	6
ГулДУ	52	2	52	2	52	2	156	6
ЖАМИ	182	7	192	7	192	7	566	21

Талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясида ишлаб чиқилган “ИММУНИТЕТ” номли кўмакчи компьютерли тизимни амалиётда қўллашда қуйидаги фикрлар мужассамлашди: таклиф этилган инновацион технология анъанавий технологияга нисбатан самарадор эканлиги яққол исботланди, мазкур технология ўрганилаётган мавзу (бўлим, боб, курс) бўйича батафсил ва кенг масштаби (катта ҳажмдаги) маълумотларга эга бўлишликка имкониятлар яратишлигини кўрсатди; ишлаб чиқилган инновацион технология йиғилган маълумотларни ахборот кўринишига келтиришга ва улардан тезкор (оператив), аниқ, мақсадли ва режада белгиланган якуний натижага эришишнинг оптимал вариантини эгаллашда фойдаланиш мумкин.

Ўтказилган тажриба-синов ишларининг умумлаштирилган натижалари (2007 ва 2011 йиллар) қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал.

Сифат кўрсаткичи	Назорат гуруҳи		Тажриба гуруҳи	
	Баҳолар сони	% ҳисобида	Баҳолар сони	% ҳисобида
$85 < k \leq 100$	110	19.5	164	29
$75 < k \leq 85$	191	34,0	221	39
$55 < k \leq 75$	164	29.2	181	32
$0 < k \leq 55$	97	17.3	-	-
Жами	465	100	566	100
Ўзлаштириш	465	82.7	566	100
Сифат кўрсаткичи	301	53.5	385	68

Жадвалдаги маълумотларни геометрик тарзда ифодалашда Microsoft Excel дастуридан фойдаландик (3-расм) ва улар орқали назорат ва тажриба гуруҳларидаги фарқларнинг кўرғазмалилиги таъминланди ва сифат кўрсаткичлари орасидаги фарқлар яққол сезилди.

Тадқиқот ишимиз натижаларининг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини янада ошириш мақсадида тажриба-синов ишларининг натижаларини математик статистика методлари ёрдамида ҳам таҳлил қилиб чиқилди.



3-расм. Тажриба-синов ишлари натижаларининг геометрик тасвири.

Биз тажриба-синов ишлари натижаларининг ишончлилигини таъминлаш учун математик-статистик усул сифатида χ^2 -квадрат мезонидан фойдаландик.

χ^2 -квадрат мезони ёрдамида тадқиқот педагогик самарадорлигини аниқлаш учун дастлаб мазкур мезон статистикасининг қиймати таклиф этилаётган методларни амалда қўллаш натижаларини баҳолашдан олинган маълумотлар асосида

$$\chi^2 = \frac{1}{N_1 \cdot N_2} \sum_{j=1}^k \frac{(N_{1j}N_{2j} - N_{1j}N_{2j})^2}{N_{1j} + N_{2j}}.$$

формула ёрдамида ҳисобланади. Бу ерда: N_1 – биринчи гуруҳ танланади, яъни назорат гуруҳидаги талабалар сони; N_2 – иккинчи гуруҳ танланади, яъни тажриба гуруҳидаги талабалар сони; K – ҳар бир танланган гуруҳлардаги олиб бориладиган ўлчашлар. Бу мазкур тадқиқотда $K=4$, яъни “ёмон”, “қониқарли”, “яхши”, “аъло” тизими асосидаги баҳолашлар; N_{ij} ($i=1,2; j=\overline{1,k}$) – олинган танламалардаги ҳар бир ўлчашга мансуб бўлган объектларнинг сони, яъни ҳар бир танлама гуруҳидаги талабалар олган балларга қараб бўлинадиган гуруҳлардаги талабалар сони.

Мазкур тадқиқотда $\chi^2_{таж} = 11,12$. га эга бўлди. Бундан $\chi^2_{таж} > \chi^2_{наз}$, яъни $11,12 > 3,84$ эканлигини гувоҳи бўламиз.

Бу эса ишлаб чиқилган тадқиқотимизнинг самарадорлиги ўтказилган тажриба-синов ишларида ҳам ўз тасдиғини топганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари, биринчидан, тадқиқотимиз ишчи фаразини тасдиқлайди, иккинчидан, маънавий-иммунологик тарбия учун ишлаб чиқилган “ИММУНИТЕТ” номли ахборот-коммуникацион технология бўлажак мутахассисларни маънавий етук, иммунитетни кучли, менталитети мустаҳкам қилиб тарбиялашга мустаҳкам технологик–дидактик асос бўла олади, учинчидан, “ИММУНИТЕТ” номли ахборот-коммуникацион технологиясидан “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Тарбиявий ишлар услуги”, “Одобнома”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар”, “Маънавият асослари”, “Халқ педагогикаси”, “Валеология”, “Педагогик технологиялар” ва шу каби фанларни ўқитишда фойдаланиш ижобий самараларни беради, тўртинчидан, ахборот-коммуникацион технологиялар ёрдамида талабалар маънавий-иммунологик тарбияси борасидаги тушунчалар, билимлар, кўникмалар ва малакалар янада мукаммалашади, ушбу жараённинг кўргазмалилиги таъминланади ва энг асосийси талабаларнинг ушбу жараёнга ижобий ёндашувига кенг имкониятлар яратилади, бешинчидан, битирувчиларимиз онгида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий кадриятлармиз, аъёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига Она–юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдиришга кенг имкониятлар яратилади, олтинчидан, уларда инновацион жараёнга кириб боришга қизиқиш мунтазам равишда юксалиб боради.

3. УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда миллий маънавиятимизга хавф туғдирувчи омиллар мавжудлигини доимо ҳис қилган ҳолда турли таҳдидлар олдини олишга оид омилларни эътиборга олиш лозим.

2. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбиянинг ижтимоий жиҳатдан зарурийлигини асослашда халқнинг мақсад-муддаоларини амалга оширишга, миллий мафкурамизнинг асосий ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришга қаратилиши орқали баркамол авлодни шакллантириш борасидаги олийжаноб мақсадни оғишмай амалга ошириш, бунда биринчидан, ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймасликка, иккинчидан, ёшларни бегона ва ёт ғояларнинг турли хуружларидан ҳимоялашга эътиборни қаратиш керак.

3. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси билан азал-азалдан халқимиз шугулланиб келганлигига, замонавий маънавий-иммунологик тарбияда замонавий илм-фан ва техника-технологияларнинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш лозимлигига, талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда илғор педагогик технологиялар ишлаб чиқиш ва улардан ахборот-коммуникацион технологиядан фойдаланган ҳолат бўлиш кераклигига, талабалар маънавий-иммунологик тарбияси муаммосини ҳал қилишда “Тизимий ёндашув”, “Интегратив ёндашув” тадқиқот усулларидан ва ундан амалий фаолиятда фойдаланишда эса “Имоготерапия” усулидан, компьютерли мулоқотли ишчи дастурлардан ҳамда касбий компьютерли тренажёрлардан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилиши керак.

4. Талабаларни ташқи салбий таъсирлардан асраб қолиш учун рўй бериши мумкин бўлган салбий ҳолатлар ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақида батафсил маълумотлар билан таъминлаш лозим ва тадқиқот мақсад-вазифаларига мос тизимлаштириш керак.

5. Ёшларимиз онги ва қалбини ёт зарарли таъсирлардан асрашнинг фундаментал асосини яратиш, шу асосда шакллантирилган баркамол авлод келажакда ҳам бўлғуси авлодни ёт ва зарарли таъсирлардан асрашга кодир бўла олишлигини; асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий кадриятларимизни ўрганишни; талабаларнинг қалби ва онгига ёт ғояларни сингдиришга бўлган таъсирларга қарши курашиш учун таъсирчан илғор методлар, универсал дидактик воситалар, илғор технологиялар ва ишончли ҳамда мукамал механизмларни яратиш; миллий менталитетга содик, мафкуравий иммунитетни кучли, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам, иродаси қатъий, интеллектуал салоҳиятли шахсларни тарбиялаш ва шу қабилар.

6. Миллий хавфсизлигимизга таҳдид ва тажовуз қилиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг келиб чиқиши, мақсад-муддаоиси ҳамда уларнинг одамга, оилага, жамоага ва давлатга таъсирлари, пировард натижада уларнинг инсониятни таназзулга учратиши ҳақидаги содда, тушунарли ва батафсил маълумотларни тайёрлаш зарур. Бунда талабалар маънавий-иммунологик тарбиясига тегишли маълумотлар базасини яратиш ва улар

асосида қаралаётган ахборот-коммуникацион технологиянинг ахборотли таъминоти ижобий педагогик самара беришлигини эътиборга олиш лозим.

7. Ишлаб чиқилган ахборот-коммуникацион технологияни талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиялашда жорий этиш педагогика туркумига кирувчи фанлар бўйича таълим беришнинг оптимал вариантларини эгаллашга ва жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлашни эътиборга олиб иш кўришни такозо этади.

8. Талабалар маънавий-иммунологик тарбиясида ахборот-коммуникацион технологиядан фойдаланиш куйидаги босқичлардаги ишларни амалга оширишни кафолатлайди: тушунтириш босқичи—талабаларга ўқув материалларининг тўлиқ тақдим этиш; ўзлаштириш босқичи—компьютер билан ўзаро мулоқотли жараёнида маънавий-иммунологик тарбияга тегишли катта ҳажмдаги мукамал материалларга эга бўлиш; мустаҳкамлаш босқичи—эгалланган билим, кўникма ва малакалар асосида тренинг ўтказиш; назорат қилиш босқичи—талабалар маънавий-иммунологик тарбияси бўйича қўлга киритилган ютуқлар (натижалар) бўйича назорат-синов ишларини олиб бориш, ўз-ўзини текширишга эришиш мумкин; имкониятларни кафолатлаш босқичи—оралиқ ва якуний назоратларни олиб боришни режалаштириш имкониятларни кафолатлаш; коррекциялаш босқичи—талабаларнинг ўзини-ўзи, шунингдек, оралиқ ва якуний назорат босқичлари натижалари ва хулосаларига кўра ўқув материалларининг тақсимланиши, таснифланиши, тизимга солиниши ва тузатишлар киритилиши.

4. ТАВСИЯЛАР

1. Бўлажак педагогик мутахассисларни тайёрлашнинг ўқув режаридаги танлов фанлар блокига “Миллий ўзлитимизни англашда мафкурaviй иммунитет”, “Таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирлар” ва “Миллий ўзликни англашда миллий менталитет» деган махсус курслар киритиш лозим. Бу орқали “Бўлажак мутахассисларни миллий иммунитетни кучли ва менталитети мустаҳкам қилиб тарбиялашга салмоқли ҳисса кўшишга эришилади.

2. Халқимизнинг ўтмиш тараққиёт босқичларида яратилган ва шаклланган миллий-маънавий меросни ўрганиш орқали талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш нуктаи назаридан олиб борилиши лозим. Бунда таълим-тарбия жараёни тизимли равишда ва индивидуллаштирилган тарзда олиб боришга имконият яратилади.

3. Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда маънавий-иммунологик тарбия бўйича ўқув-услубий, ўқув-дидактик ва ўқув-ахборотли мажмуаларининг таркибий қисмларини асослаш ҳамда улар асосида электрон ўқув адабиётларини яратиш.

4. Талабалар маънавий-иммунологик тарбиясини ҳаётга жорий этиш кейинги пайтда вужудга келаётган салбий таъсирларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш.

5. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда уларни миллий ғояга эътиқод, фидойилик, миллий кадриятларга содиқлик, миллий ғурурли, ўз халқига ғамхўрлик, комилликка интилиш, яъни миллий менталитети мустаҳкам ва иммунитети кучли бўлишлик руҳида тарбиялаш.

6. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришнинг инновацион технологияси маънавий-маърифий тарбияни миллий иммунитет мустаҳкам ва менталитети тўлиқ шаклланиб бўлган, иймон-эътиқодли, маънавий етуқ шахсни шакллантиришга эришиш лозим ва бу орқали талаба-ёшларимиз онгида ғоявий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик методологиясини яратиш, ақидапарастлик ва терроризм каби ваболардан ёшларимизни асрашда касбий компьютерли ўйинлардан кенг фойдаланишга эришиш, айниқса кибер-терроризмдан талаба-ёшларимизни асраш механизмини яратиш ва уни мунтазам равишда тараққиёт босқичлари савиясига қараб такомиллаштириб бориш.

5. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўракулова И.Х. Манавий баркамол шахс тарбиясида иммунологик тарбия интеграцияси // Узлуксиз таълим тизимида маънавий-касбий баркамол шахс тарбияси. Республика илмий-назарий конференциясининг материаллари тўплами. – Гулистон, 2007. – Б. -24-26.

2. Кушвактов Н.Х., Туракулова И.Х. Национальная программа воспитания и инновационный подход для обеспечения её непрерывности // Пятая международная конференция “Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития”. – Том II. – Санкт Петербург-Ташкент, 2007. – С. -113-116.

3. Тоғаев Х., Тўракулова И.Х. Ёшлар онгида соғлом дунёкарашни шакллантиришнинг “Имоготерепия” усули // Материалы международной научно-практической конференции “Проблемы образования и занятости молодёжи”. – Самарканд, 2007. – С.196-198.

4. Тўракулова И.Х. Талабалар маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришга тизимли ёндашув // Замонавий педагогика фани ва таълимининг инновацион технологиялари. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 312-315.

5. Хасанбоев Ж.Х., Тўракулова И.Х. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда интегратив ёндашув // Сборник научно-методических статей “Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию» (второй выпуск)-часть 2.-Тошкент, 2008. –С.88-96.

6. Тўракулова И.Х. Миллий кадриятларга эътибор-маънавий тарбиянинг асоси сифатида // Фаол ёшлар-миллат фахри. Республика илмий-назарий анжуманининг материаллари тўплами. – Гулистон, 2008. – Б. 82-83.

7. Тўракулова И.Х. Маънавий–иммунологик тарбия тизими учун электрон комусий лўғат тайёрлаш технологияси // Халқ таълими. – Тошкент, 2008. – №3. – Б.12-16.

8. Тўракулова И.Х. Талабаларни диний экстремизм таъсиридан асрашга тизимий ёндашув // Узлуксиз таълим. -Тошкент, 2008.-№4. -Б. 72-77.
9. Тўракулова И.Х. Маънавий-иммунологик тарбиянинг юзага келишидаги ижтимоий эҳтиёжлар // Материалы республиканского научно-практического семинара на тему: «Инновационная деятельность молодых ученых». -Навоий, 2008.- С. 160-163.
10. Ҳасанбоева О.У. Тўракулова И.Х. Миллий тикланиш жараёни ва талабаларни диний экстремизм таъсиридан асраш// Сборник научно-методических статей “Личностно-ориентированный подход к современному обучению и воспитанию” (второй выпуск). -часть 4. – Ташкент, 2008. –С. 47-54.
11. Тўракулова И.Х. Ахборотлаштириш ва маънавий тарбия // Соғлом авлод учун. -Тошкент, 2008. -№12. -Б.6-7.
12. Тўракулова И.Х. Талабаларга маънавий –иммунологик тарбия беришда маънавий –тарихий мерос // Материалы международной научно-практической конференции на тему: «Проблемы образования и занятости населения».- Самарканд, 2008.- Б. 161-164.
13. Тўракулова И.Х. Ижтимоий фаол шахс маънавий иммунологик тарбиясининг маънавий-маърифий асослари// “ОТМ таълим жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусига бағишланган Республика илмий-амалий конференция материаллари.- Тошкент, 2008.- Б. 179-180.
14. To'raqulova I.X. Immuniologik tarbiya// Boshlang'ich ta'lim. – Toshkent, 2009.- №2.-В. 4-5.
15. Тўракулова И.Х. Миллий ўзликни англашда миллий покланишнинг ўрни// Университет таълими: кеча, бугун, эртага: Ёш олимлар илмий-амалий конференцияси материаллари.-Тошкент, 2008.-Б. 97-99.
16. Тўракулова И.Х. Маънавий-иммунологик тарбия таркибий қисмлари мазмунли тахлили// Материалы международной научно-практической конференции на тему: «Экономика образование. Занятость: сегодня и завтра».- Самарканд, 2009.-С. 237-239.
17. Тўракулова И.Х. Талаба-ёшлар маънавий-иммунологик тарбияси учун маълумотлар базасини яратиш технологияси// Узлуксиз таълим. -Тошкент, 2009.-№3.-Б. 69-73.
18. Усмонов Н. У., Туракулова И.Х. Информационное обеспечение духовно-иммунологического воспитания студенческой молодёжи// Сборник материалов четвертой международной научно-практической конференции “Наука и практика: проблемы, идеи, инновации”.-Чистополь, 2009.-С.377-378.
19. Тўракулова И.Х. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш жараёнини ахборотлаштириш (ўқув методик қўлланма).- Тошкент: “Fan va technologya”, 2009.-108 б.
20. Тўракулова И.Х. Талаба-ёшлар маънавий-иммунологик тарбиясини технологиялаштириш босқичлари// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. -Тошкент, 2009.-№1-2. -Б.246-250.

21. Тўрақулова И.Х. Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда маънавий-иммунологик тарбия узлуксизлиги// Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясини такомиллаштиришнинг муаммо ва ечимлари. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами.-Жиззах, 2009.- Б. 178-181.

22. Тўрақулова И.Х. Талаба-ёшлар маънавий-иммунологик тарбиясига инновацион ёндашув// Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар: муаммолар ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари.-Гулистон, 2010.- Б. 284-286.

23. Туракулова И.Х. Применение информационно-коммуникационных технологий в духовно-иммунологическом воспитание студентов // Исследователь.-Казахстан, 2010. -№5.-С.

24. Тўрақулова И.Х. Талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш технологиясини амалиётга жорий этиш (ўқув услубий қўлланма).-Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2010. -64 б.

25. To'raqulova I.X. O'qituvchilarda ma'naviy-immunologik tarbiya// Boshlang'ich ta'lim. -Toshkent, 2010.-№11. -B.2-3.

26. Тўрақулова И.Х. Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-иммунологик асослари// Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. –Тошкент: 2010. -№ 3-4. –Б. 12-14.

27. Тўрақулова И.Х. Махсус таълим тизими учун интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари// INFORMATIKA va ENERGETIKA MUAMMOLARI O'zbekiston jurnali. –Тошкент: Фан, 2010. –Б. 82-87.

28. Тўрақулова И.Х. Баркамол авлодни шакллантиришда маънавий-иммунологик тарбиянинг ижтимоийлиги// Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: Yangi nashr, 2011. –Б. 164-165.

29. Туракулова И.Х. Разработка информационно-коммуникационных технологий духовно-иммунологического воспитания студентов //Вестник Университета Российской академии образования. –Москва, 2011.- № 3. – С. 47-48.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўракулова Ирода Холбўтаевнанинг 13.00.01- педагогика назарияси ва тарихи ихтисослиги бўйича «Талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштириш технологиялари (Педагогика туркумидаги фанларни ўқитиш мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч сўзлар: соғлом турмуш тарзи; маънавият; маънавий-иммунологик тарбия; маълумотларни тизимлаштириш; тизимий ва интегратив ёндашув; “Имоготерапия усули”; маълумотлар базаси; ахборотли таъминот; инновацион технология; илмий-услубий тавсиялар; маънавий етук, миллий менталитети мустахкам ва мафкуравий иммунитетни кучли мутахассис.

Тадқиқот объекти: Олий ўқув юрларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ўрганиладиган педагогика туркумидаги фанларни ўқитишдаги таълим-тарбия жараёни.

Тадқиқот мақсади: Олий ўқув юрларида талабаларнинг маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришнинг ахборотли технологиясини яратишнинг мазмуни, шакли ва методларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тарихий, фалсафий, педагогик, психологик, социологик, маънавий – маърифий адабиётларни илмий–назарий жихатдан ўрганиш ва таҳлил қилиш; олий таълим муассасалари меъёрий ҳужжатлари, ДТС, дастур ва ўқув адабиётларини ўрганиш; педагогик таҳлил; сўровномалар, суҳбат, интервью, тестлар ўтказиш; кўргазмалар ташкил қилиш, тажриба–синов ишлари; натижаларнинг математик статистик методлар асосидаги таҳлили ва натижаларни умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: талабалар мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг фундаментал асослари очиқ берилганлиги; талабаларга маънавий-иммунологик тарбия беришда фойдаланиладиган маълумотларни тизимлаштирилганлиги ва уларнинг талабалар маънавий-иммунологик тарбиясида ахборотли технологияларни қўллашда фойдаланиш учун ахборот кўринишига келтирилганлиги; талабаларнинг салбий таъсирларга қарши курашишга оид мафкуравий иммунитетни мустахкамлаш механизмини ишлаб чиқилганлиги ва унга мос маълумотлар базасини яратиш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги; ёшлар маънавий-иммунологик тарбиясини такомиллаштиришнинг ахборотли технологияси ишлаб чиқилганлиги; талабаларга маънавий-иммунологик тарбия бериш тизимининг ахборотли технологияларидан амалий фаолиятда фойдаланишга илмий-услубий тавсиялар яратилганлигида.

Амалий аҳамияти: бўлажак ўқитувчиларни замон талаби асосида тайёрлашда маънавий-иммунологик тарбия беришни такомиллаштиришнинг ахборотли- коммуникацион технологияси яратилганлиги ва унинг амалиётга жорий этилганлигидадир.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: яратилган ахборотли таъминот ва унга мос ишлаб чиқилган “Иммунитет” номли ахборот-коммуникацион технология бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий-иммунологик тарбияси бўйича билим, кўникма ва малакаларини юксалтиришда жорий этилди ва айни пайтда ҳам қўлланилиб келинмоқда.

Қўлланиш соҳаси: олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими.

РЕЗЮМЕ

диссертации Туракуловой Ироды Холбутаевны на тему: «Технологии совершенствования духовно– иммунологического воспитания студентов (на примере обучения дисциплин педагогического цикла)» на соискание учёной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.01 – Теория и история педагогики.

Ключевые слова: здоровый образ жизни; духовность; духовно–иммунологическое воспитание; систематизирование информации; системный и интеграционный подход; «приём имготерапии»; база данных; информационное обеспечение; инновационная технология; научно–методические рекомендации; духовно зрелый; специалист с прочным национальным иммунитетом и сильным идеологическим иммунитетом

Объект исследования: процесс образования – воспитания в обучении дисциплин педагогического цикла, изучаемых по подготовке будущих учителей в высших учебных заведениях

Цель исследования: разработка содержания, формы и методов создания информационной технологии совершенствования духовно–иммунологического воспитания студентов в высших учебных заведениях.

Методы исследования: изучение и анализ исторической, философской, педагогической, психологической, социологической, духовно – просветительской литературы с научно – теоретической точки зрения; изучение нормативных документов высших образовательных учреждений, ГОСТ, программ и учебной литературы; педагогический анализ; проведение опросов, бесед, интервью, тестов; организовать выставки; опытно – испытательные работы; анализ и обобщение результатов на основе математических статистических методов.

Полученные результаты и их новизна: раскрытие фундаментальных основ формирования идеологического иммунитета студентов; систематизирование информации, используемых в духовно – иммунологическом воспитании студентов и их подача в информационном виде для использования в духовно–иммунологическом воспитании студентов с применением информационных технологий; разработка механизма упрочения соответствующего идеологического иммунитета студентов для борьбы против отрицательных влияний и разработка технологии создания соответствующей им базы данных; разработка информационной технологии совершенствования духовно–иммунологического воспитания молодёжи; создание научно–методических рекомендаций по использованию информационных технологий системы духовно–иммунологического воспитания студентов в практической деятельности.

Практическая значимость: создание и внедрение в практику информационно–коммуникационной технологии совершенствования духовно–иммунологического воспитания будущих учителей в подготовке их по требованиям времени.

Степень внедрения и экономическая эффективность: созданное информационное обеспечение и разработанная в соответствии с ним информационно–коммуникационная технология «ИММУНИТЕТ» внедрен для развития знаний, умений и навыков по духовно–иммунологического воспитания будущих учителей и применяется в данное время.

Область применения: система высшего и среднеспециального, профессионального образования.

RESUME

Thesis of Turakulova Iroda Kholbutaevna on the subject: **“The Technology of perfecting spiritual - immune upbringing of students (in example of teaching the discipline of pedagogic cycle)”** for the scientific degree of the candidate of pedagogical sciences on a speciality 13.00.01 – The theory and history of pedagogy.

Key words: healthy life style, spirituality; spiritual - immune upbringing; systematization of information; systematic and integrative approach; “method immunotherapy”; database, information provision; innovative technology; scientific – methodic recommendations; the specialist with firm national-immunity and strong ideologic immunity

The object of research: the process of education – upbringing in teaching discipline of pedagogical cycle being studied in preparation future teachers in tighter Educational Establishment.

Purpose of work: the work out of content, forms and methods of creating information technology in excelling spiritual – immune upbringing in higher educational establishments.

The method of research: study and analysis of historical, philosophical, pedagogical, psychological, social, spiritual – enlightening literature by scientific–theoretical point of view: study of normative documents of higher educational establishments; state stand arts, program and textbook literatures, pedagogical and lyses; to hold questionnaire, interview, testes; to organize exhibitions; pedagogical experiment, mathematical, statistical.

The achieved results and their novelty: the revealing of the fundamental base of forming ideological immunity of students; the systematizing of information and their appliance in form of information for using in spiritual - immune upbringing of students with information technologies; the worked out mechanism to strengthen coin cadent ideological – immune of students to struggle against negative influence and the development of technologies of creating the coincident database for them; developing information technologies to perfect spiritual–immune education of the youth; creating scientific methodological recommendations on using information technologies in the system of spiritual–immune education of students in practice.

The practical value: creating and introducing informative – communicative technology into practice to excel spiritual – immune education of future teachers in preparing them according to time requirements.

Degree of embed and economic effectivity: the created informative provision and developed informative – communicative technology “Immunity” have been implemented in increasing the knowledge and skills on spiritual–immune education of future teachers.

Field of application: the system of higher, secondary – special and professional education.

Босишга рухсат этилди 11.11.2011 йил. Бичими 60x84 ¹/₁₆.

«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Нашр босма табағи 1,5. Тиражи 100. Буюртма № 200.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.

100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.